



№ 29  
2020-yil, 26-avgust  
Chorshanba (32.623)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# O'zbekiston OVOZI



Сен – қудрат манбаи, саодат маскани,  
жонажон Ўзбекистоним!

## Иқтисодий эркинлик мўъжиза яратади



Шербек БУРОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Мустақиллик нафақат сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-руҳий, балки иқтисодий томондан ёндашганда ҳам буоқ тушунчадир. Юртимиз табиий ресурсларга бой ва бошқа кўплаб имкониятларга эга мамлакат. Мустақиллик ўз бойликларимизга ўзимиз эгаллик қилиш имкониятини берганини мудом ёдда сақлашимиз лозим, деб ўйлайман. Чунки, мустақилликдан олдин табиий бойликларимизга ўзгалар хўжайин бўлган. Бу бойликлар бүгун халқимизга, фарзандларимиз ва келажак авлоднинг дунёдан ортда қолмаслиги, фаровон яшаши учун сарфланмоқда.

Аммо бор ресурс ва имкониятлардан оқилона, самарали фойдаланишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун узоқни кўзлаб режа ва дастурларни тузиш, уларни муваффақиятли амалга ошириш талаб этилади.

Шу маънода шахсни тарбиялаш, унинг иқтисодий фаоллик атилишини кўллаб-қувватлаш, қобилиятини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш жуда катта аҳамиятга эга масала.

Кейинги йилларда бу борада қатор ютуқларга эришилди, тўғрироғи, узоқ кутилган ўзгаришлар амалга оширила бошланди.


Биринчи ютуқ, шубҳасиз, конвертация масаласининг босқичма-босқич ҳал этилиши бўлди. Бу ҳам давлатга, ҳам фуқароларга, дунёнинг бизга бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида иқтисодиётта оғир юк бўлиб келган, коррупцион ҳолатларнинг ҳаддан ортиқ кучайиб кетишига олиб келган айрим иллатлардан қутилдик. "Расмий курс", "қўча курси", деган қолоқ давлатлардагина учрайдиган тушунчалардан узоқлашдик.

Иккинчи ютуқ, республика бўйича нақд пул муомаласи изга тушди. Очигини тан олиш керак, бу халқимизни қийнаб келган, иш ҳақи ёки нафақасидан бошқа даромади бўлмаган аҳоли қатламнинг қадрини ёрга урадиган муаммо эди. Банк пластик картасига нафақаси тушган ёлғиз отахон уни нақдлаштириш учун дўконма-дўкон сарсон юрарди. Нақдлаштириш фойзалари 10, 15, ҳатто ундан ҳам юқори бўларди.

Кейинги йилларда эса пенсияларни тўлиқ нақд пулда беришга эришилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида молиявий муносабатларни эркин амалга ошириш учун банкоматлар ўрнатилмоқда, банкдан нақд пул олиш муаммоси енгиб ўтилди. Чекловлар, ҳар хил сунъий тўсиқлар бирма-бир олиб ташланмоқда. Кредитларни онлайн олиш, электрон харидлар ва бошқа молиявий муносабатларни юмшатиш бўйича ҳали олдинда вазифалар кўп, хотиржамликка берилишга ҳақимиз йўқ.

Ортимизда қолганларга қараб хулоса чиқаришимиз, олдимизда турган вазифаларга интилиб, мақсадни юқори қўйишимиз керак, деб ўйлайман.

Иқтисодиётимизни эркинлаштириш бўйича аниқ режалар тузилган. Яқин келажакда иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги ютуқларимиз янада кўпроқ бўлишига ишонаман.



Ўзбекистон Халқ демократик  
партияси Ўзбекистон Республикаси  
Мустақиллигининг 29 йиллигига  
бағишлаб ижтимоий тармоқларда  
#MenNechunSevamanO'zbekistonni?  
флешмобига старт берди.

Ижтимоий тармоқ  
фойдаланувчиларини ўз саҳифаларида  
она юртга меҳр ва муҳаббатни  
тараннум этувчи фото ва видеоларни  
#MenNechunSevamanO'zbekistonni?  
хештеги остида жойлаштириш  
орқали фаол иштирок этишга  
чақирамиз.

Биз билан бирга бўлинг!

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БЮДЖЕТ ЭШИТУВИ



АЖРАТИЛГАН  
МАБЛАҒЛАР  
ЎЗЛАШТИРИ-  
ЛИШИДА  
МУАММОЛАР  
ОЗ ЭМАС

2

## САМАРҚАНДЛИК ОЛИМ ХИЗМАТИ ТУРКИЯДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



2020 йилги Турк тили жамияти таркибига сайловларда ушбу илмий ташкилотга "Ипак Йўли" Туризм халқаро университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Жўлибой Элтазаров мухбир аъзо сифатида сайланди. Бу хусусда олим Турк тили жамияти раиси, профессор Гурер Гўлсевин томонидан ёзилган мактубда чет мамлакатларда туркий тиллар хусусида самарали тадқиқотлар олиб борганлиги учун ушбу шарафга ноил қўрилгани маълум қилинади.

Ҳақиқатан ҳам, профессор Ж.Элтазаров кейинги ўн йилликларда Корея, Америка, Германия, Япония ва Туркия Республикаси университетлари ва илмий-тадқиқот марказларида ўзбек, турк, уйғур, қозоқ тилларини ўқитиш, бу тиллар бўйича дарслик ва қўлланмалар, лўғатлар ва сўзлашгичлар яратишда ҳамда туркий тиллар ва маданиятларни дунёга оммалаштиришда катта хизматларни амалга оширди.

2

Ўзбекистон Республикаси  
Сўғайиш соҳаси бўғами

"COVID-19" касаллигига чалинган **39348** нафар беморнинг  
ҚАЙД ЭТИЛИШИ ВА СОҒАЙГАНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КўРСАТКИЧЛАР ҲАВВАЛИ

2020 йил 24 август, соат 23:30 ҳолатига

Ҳудудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Фойзда	В.э.
Қорақалпоғистон Респ.	445	423	95%	5
Андижон вилояти	1172	1143	98%	2
Бўхоро вилояти	1014	975	96%	8
Жиззах вилояти	151	137	91%	6
Қашқадарё вилояти	909	869	96%	8
Навоий вилояти	501	482	96%	6
Наманган вилояти	887	821	93%	5
Самарқанд вилояти	1625	1520	94%	3
Сирдарё вилояти	739	711	96%	2
Сурхондарё вилояти	613	581	95%	7
Фарғона вилояти	319	315	99%	1
Хоразм вилояти	462	442	96%	1
Тошкент вилояти	6527	6047	93%	34
Тошкент шаҳри	23984	21085	88%	192

Жами: 39348 35551 90 280

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЪЙИҚ ВА ЭЪРАВОНЛИКДАН  
ҲИМОЯ ҚИЛИШ Тўғрисидаги ҚОНУН  
2019 йил 2 сентябрь

ТАЪЙИҚ ВА ЭЪРАВОНЛИКДАН ЖАБРАЛАНУВЧИ  
ҚУБИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- тегишли органларга ёхуд судга мурожаат этиш
- беғул ҳуқуқий маслаҳат олиш
- ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш.

Жабранувчи этиказилган моддий ҳамда маънавий зарарини қоплаш тўғрисида ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Вакolatли органлар таъйиқ ва эъравонликдан жабранган шахсни ҳимоя механизми, кўрсатилган ёрдам ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништириши лозим.

Таъйиқ ва эъравонликдан жабранувчиларга ички ишлар органлари томонидан ҳимоя ордери берилади.

ТАЪЙИҚ ВА ЭЪРАВОНЛИК ФАКТИ  
ЭКИ УЛАРНИ СОДИР ЭТИШ ҲАВФИ  
АНИКЛАНГАН ЛАЙДАН ЭЪТИБОРАН

24 СОАТ ИЧИДА ВА  
30 КҮН МУДДАТГА  
БЕРИЛИШИ ЛОЗИМ.

Ҳимоя ордери – таъйиқ ва эъравонликдан жабранувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, таъйиқ ўтказётган ёки эъравонлик содир этган шахсга таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжатдир.

Таъйиқ ўтказган ва эъравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нуқсаси топирилади.

Таъйиқ ёки эъравонлик тақдоран содир олиш мақсадида эъравонлик содир этган шахс ҳуқуқ-аъворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши керак.

Таъйиқ ва эъравонликдан жабранган шахсларга оид барча маълумотлар қонун ҳужжатлари билан қўриланади.

advicе.uz @huquqiyaxborot

Жорий йилнинг 6 ойида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 34 665,5 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 53,4 фоизи миқдорда маблағ ажратилди. Аммо...

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА БЮДЖЕТ ЭШИТУВИ

# АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАР ЎЗЛАШТИРИЛИШИДА МУАММОЛАР ОЗ ЭМАС



**Инвестиция дастури ижроси учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш даражаси 35 фоизни ташкил қилаётгани, айниқса, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларининг айни пайтдаги ҳолати ўта қониқарсиз даражада экани ташвишли ҳолат, деб баҳоланиши керак.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида 2020 йил 1-ярим йиллик якунлари бўйича Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги масала атрофлича таҳлил қилинди.

Таъкидландики, Давлат бюджет ижросида мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўз аксини топган. Ҳар бир давлатнинг бюджет ижросига қараб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга баҳо бериш мумкин. Пандемия даврида бу масала, айниқса, долзарбдир.

Таълимни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳар доим асосий эътиборда турибди. Давлат бюджетидан ана шу йўналишларга кўпроқ маблағ йўналтириш, яъни аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш чоралари қўриляпти. Шундай муҳим пайтда бюджет маблағларининг режалаштирилган эзгу мақсадлар учун оқилона йўналтирилиши ҳар томонлама долзарб ва ҳаммаминизни ўйлантирадиган масаладир.

Айтиш керакки, Давлат бюджетининг 2020 йил 1-ярим йиллик ижроси "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида ҳамда коронавирус инфекциясига қарши курашиш, глобал инқироз оқибатларини бартараф этиш юзасидан қабул қилинган Президентнинг фармони ва қарорлари, Ҳукумат ҳамда Инқирозга қарши курашиш комиссиясининг қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган.

Хисобот даврида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нарҳларда 255,3 трлн. сўмни ташкил этган. Пандемия билан боғлиқ бутун дунёдаги чекловлар мамлакатимиз иқтисодиётига, аксарият кўрсаткичларга таъсир ўтказган, албатта.

## АҚШ ЎЗБЕКISTONГА 200 ТА ЎПКАНИ СУНЬИЙ ШАМОЛЛАТИШ МОСЛАМАСИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Ўзбекистон элчихонаси маълумотига кўра, АҚШ томони мамлакатимизга умумий қиймати 2,5 миллион доллар 200 та ўпкани суньий шамоллатиш мосламасини юборди.

### КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

**Республиканинг ҳар бир ҳудудида**  
14 та кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган таянч ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади

**Республика туман (шаҳар)ларида**  
150 та кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади

**2021 йил 1 январдан бошлаб**  
Ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинган кимё ва биология фанлари ўқитувчилари ҳамда раҳбар кадрларининг устима ҳақи миқдори 50 фоизгача оширилади

**2021 йил 1 февралга қадар**  
Давлат тест маркази кимё ва биология фанларидан билимларни баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини жорий қилади  
Миллий сертификатга эга мактаб, лицей ва касб-ҳунар мактаби ўқувчилари давлат ОТМга киришда кимё ва биология фанидан тест синови топширишдан озод этилади ҳамда уларга максимал балл берилади

**2021/2022 ўқув йилидан бошлаб**  
Кимё ва биология йўналишларида кадрлар тайёрлаётган барча ОТМлар мактаб битирувчилари ўртасида кўп босқичли ўзининг олимпиадасини ўтказиши ва 1-3 ўринларни эгаллаган ўқувчиларни ОТМнинг маблағлари ҳисобидан имтиҳонсиз ўқишга қабул қилади

**2021 йилдан**  
ҳар 2 йилда бир мартаба ОТМлар талабалари орасида кимё ва биология фанлари бўйича Абу Райхон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадалари ўтказилади  
Олимпиада ғолибларига бир марталик муқофот берилади ва улар тегишли мутахассисликлар бўйича ОТМлар магистратурасига давлат гранти асосида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади  
ОТМларнинг кимё ва биология таълим йўналишлари бўйича ўтказиладиган республика фан олимпиадаси ғолиблари ҳамда нуфузли халқаро олимпиадалар совриндорлари магистратурага давлат грантлари асосида имтиҳонсиз қабул қилинади

ОТМларнинг 55 та кафедралари кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш учун ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилади

ОТМларнинг кимё ва биология таълим йўналишлари бўйича имтиёзли дипломга эга бўлган битирувчилари мазкур ОТМнинг магистратурасига қўшимча имтиҳонларсиз тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади

Кимё ва биология мутахассислигини аъло баҳоларга тамонлаган магистрларни таянч докторантурага имтиҳонларсиз тўғридан-тўғри қабул қилиш тартиби жорий қилинади.

АСОС: ПҚ-4805, 12.08.2020 йил  
@huquqiyaxborot



Туркия Республикасида Мустафо Камол Отатурк томонидан асос солинган Турк тили жамияти (Türk Dil Kurumu, 1932) дунёда ва Туркияда миллий тил, ёзув, имло, терминология, тил тарихи масалалари билан жиддий шугулланиб, турк тилини тараққий эттирган, унинг бегона тиллар бўйунтуругидан халос қилган ва модернизациялашга катта хизмат қўшиб келаётган илмий ташкилотлардан бири ҳисобланади.

## САМАРҚАНДЛИК ОЛИМ ХИЗМАТИ ТУРКИЯДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

ATATÜRK KÜLTÜR, DİL VE TARİH YÜKSEK KURUMU  
Türk Dil Kurumu Başkanlığı  
Bilimsel Çalışmalar Müdürlüğü

Sayın Konu : E-63434571-730.02-1827  
Haberleşme öyüğü İK.

Sayın Prof. Dr. Juliboy Eltazarov  
juliboy2@gmail.com  
j.eltazarov@univ-uz.net.uz

Ataturk Kültür, Dil ve Tarih Yüksek Kurumu Asli, Şeref ve Haberleşme Üyelüğü Yönetmeliği çerçevesinde "Kurumulara yurt içindeki ve yurt dışındaki hizmet ve faaliyetlerine yardımcı olacak veya bu faaliyetlerini yürütenlere destek" Türk Dil Kurumu Haberleşme Üyesi olarak seçilip bilgilendirilmiz.

Öyüğümezin hayretli olmasını diler, tebrik ederiz.

Prof. Dr. Gulob GULISHEVİN  
Başkan

Турк тили жамияти кейинчалик ташкил этилган Турк тарихи жамияти ва Турк маданиятини ўрганиш институтлари билан бирга Отатурк номидаги маданият, тил ва тарих олий Жамияти тарихига киритилган бўлиб, бу илмий ташкилот турк инқилобининг йўлбошчисидан мерос қолган сармоя (3 миллиард доллар деб тахмин қилинади) асосида ўз фаолиятини молиялаштириб, турк тили, туркий тиллар, туркий халқлар тарихи, адабиёти, маданиятига доир илмий ишлар, лойиҳалар ва нашрларни амалга ошириб боради.

Туркия Республикасида Турк дил куруму академия даражасидаги давлат илмий ташкилотидир.

Шу билан бирга Турк тили жамияти дунёда туркий халқлар, тиллар, маданиятлар хусусида муваффақиятли тадқиқотлар олиб бораётган олимларни фахрий, ҳақиқий ва мухбир аъзолар сифатида ўз сафларига чорлайди.

2020 йилги Турк тили жамияти тарихига сайловларда ушбу илмий ташкилотга "Ипак Йўли" Туризм халқаро университетининг биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Жўлибой Элтазаров мухбир аъзо сифатида сайланди. Бу хусусида олим Турк тили жамияти раиси, профессор Гурер Гулсвин томонидан ёзилган мактубда чет мамлакатларда туркий тиллар хусусида самарали тадқиқотлар олиб борганилиги учун ушбу шарафга ноил қўрилгани маълум қилинади.

Ҳақиқатан ҳам профессор Ж.Элтазаров кейинги ўн йилликларда Корея, Америка, Германия, Япония ва Туркия Республикаси университетлари ва илмий-тадқиқот марказларида ўзбек, турк, уйғур, қозоқ тилларини ўқитиш, бу тиллар бўйича дарслик ва қўлланмалар, луғатлар ва сўзлашгичлар яратишда ҳамда туркий тиллар ва маданиятларни дунёга оммалаштиришда катта хизматларни амалга оширди.

Жумладан, олим "Япон университетлари учун ўзбек тили дарслиги" (2009, 2010), "Ўзбекча-японча сўзлашгич" (2013), "Япон университетлари учун "Ўзбекча ўқиш китоби" (2013), турк университетлари учун "Ўзбекчаи ўрганамиз" (2010) дарслигини ёзиб нашр эттирган эди. Ўзбекистонда олимнинг ўзбек тили тарихи, ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари, ўзбек ёзуви ва имлоси тарихи масалаларига бағишланган 10 дан ортмик монографиялари ва "Қадимги туркий тил" дарслиги чоп этилган.

– Турк тили жамиятига мухбир этиб сайланганим мен учун жуда фахрлидир, – дейди олим. – 2020 йилда эришган бу муваффақиятнинг мени талабаликдан шу даражага етказган она-университетим – СамДунинг 600 йиллигига бағишлайман. Турк тили жамияти билан ҳамкорлигимиз давом этади ва ўзбек шевалари лексикасига доир тадқиқотларимиз якунини Турк тили жамияти билан бирга амалга оширамиз ва уни қардош ўлка пойтахтида турк тилида эълон қиламиз.


Назмия МУҲИДДИНОВА,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, СамДУ ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедраси доценти.





РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР

**«КАТТАҚҮРҒОН ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИ» МЧЖ**  
**корхонаси жамоаси**



**халқимизни Ўзбекистон Республикаси**  
**Мустақиллигининг 29 йиллиги билан**  
**муборакбод этади!**  
**Меҳнаткаш халқимизнинг элу юрт**  
**фаровонлиги ва ободлиги йўлида олиб**  
**бораётган бунёдкорлик ва яратувчанлик**  
**руҳидаги ишлари бардавом бўлсин!**

**Мустақиллигимиз**  
**абадий бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган

**AGROBANK**

Азиз юртдошлар, ҳурматли мижозларимиз!

Агробанк жамоаси, Сизларни ва яқинларингизни энг улуғ, энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака ва фаровонлик тилаймиз. Мустақил Ватанимизнинг тинчлиги, гуллаб-яшнаши ва равнақи йўлида олиб бораётган ишларингиз бардавом бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий, юртимиз обод ва фаровон ҳамда иқтисодий тараққиёти юксак бўлсин!

www.agrobank.uz  
тел.: (+998) 71 203-88-88  
Хизматлар лицензияланган

AgrobankChannel  
Agrobankuzbekistan

Download on the App Store  
GET IT ON Google Play

**TURON BANK | 30 йил**  
*Сил билан бирга*

**1 Сентябрь** *Ўзбекистон Республикаси*  
*Мустақиллиги куни*

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки**  
**жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси**  
**Мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий**  
**муборакбод этади!**

*Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омадлар тилайди! Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин!*

*Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!*

www.turonbank.uz  
Хизматлар лицензияланган

## РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР



# QQB | QISHLOQQURILISHBANK

## ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги куйдаги омонат турларини таклиф этади:

«Барака» омонати:  
 муддати — 1-6 ой, йиллик — 15 фоиз,  
 муддати — 7-12 ой, йиллик — 16 фоиз,  
 муддати — 13-25 ой, йиллик — 18 фоиз.

«Фаровон» жамғармали омонати:  
 муддати — 1-6 ой, йиллик — 15 фоиз,  
 муддати — 7-9 ой, йиллик — 16 фоиз,  
 муддати — 10-12 ой, йиллик — 17 фоиз,  
 муддати — 13-25 ой, йиллик — 18 фоиз.




«QISHLOQQURILISHBANK» — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Мурожаат учун телефонлар: (+99870) 150-72-58, 150-93-39.  
 Веб сайт: www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



## ОҚДАРЕ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Халқимизни  
 Ватанимиз

Мустақиллигининг  
 29 йиллиги  
 билан муборакбод  
 этади!



# РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги

**«14-SON RELS PAYVANDLASH ROYEZDI UNITAR KORXONASI» ЖАМОАСИ**

халқимизни **Мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами билан муборакбод этади. Озод Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларингизда омад ва муваффақиятлар тилайди. Юртимизда тинчлик ҳамisha барқарор бўлсин!**



Ўзбекистон темир йўллари АЖ тизимидаги

**«САЛОР ТЕМИР ЙЎЛ МАСОҒАСИ»** жамоаси

**Она диёримиз аҳлини ҳамда ҳамкасбларини энг улуғ, энг азиз байрам билан қутлайди. Темирйўлчилар барчага узоқ умр, бахт-саодат тилайди. Йўлларимиз доимо очиқ ва беҳатар бўлсин!**



**MIKROKREDITBANK**

**1 сентябрь**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни

“Микрокредитбанк” жамоаси энг улуғ ва энг азиз байрам бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 29 йиллик шодиёнаси билан азиз ҳамюртларимизни муборакбод этади. Сизларга мустақам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**МУСТАҚИЛЛИК ШОДИЁНАСИ АРАФАСИДА “МИКРОКРЕДИТБАНК” ТОМОҒИДАН АҲОЙИБ ЯНГИЛИК ЙЎЛГА ҚУЙИЛДИ**

ЭНДИЛИКДА НАФАҚАТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, БАЛКИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲАМ МАСОҒАДАН ТУРИБ КРЕДИТ ОЛИШЛАРИ МУМКИН. ЯЪНИ ТАДБИРКОРЛАРГА “МКВ MOBILE BUSINESS” ЕКИ “INTERNET BANKING” ИЛОВАЛАРИ ОРҚАЛИ БАНКА КЕЛМАСДАН ОНЛАЙН КРЕДИТ ОЛИШ ИМКОНЯТИ ЯРАТИЛДИ.

**БИЗНЕС ONLINE КРЕДИТИ**

**КРЕДИТ ФОИЗИ: 21 %**  
**КРЕДИТ МУДДАТИ: 12 ОЙ**

**МИКРОКРЕДИТБАНК – МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!**



**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ**

**2020 йил 24 сентябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибдаги очиқ аукцион савдоларини ўтказди**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси балансидаги 2001 й. и/ч, д/р 01 СА 467, бошланғич нархи 12 458 900 сўм бўлган «ТТ3-8010» русумли трактор ҳамда Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 3-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ф.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти балансидаги 2010 й. и/ч, д/р 01/158SBA, бошланғич нархи 24 156 000 сўм бўлган «УАЗ-315148-095»; 2010 й. и/ч, д/р 01/159SBA, бошланғич нархи 24 302 300 сўм бўлган «УАЗ-315148-095»; 2010 й. и/ч, д/р 01/160SBA, бошланғич нархи 27 255 400 сўм бўлган «УАЗ-315148-095» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ-нинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931

8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар буйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

**Гувоҳнома № 005357**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ**

Миробод тумани ободонлаштириш бошқармаси балансидаги д/р 01/302ECA бўлган «GAZ 53A» ва д/р 01/962UCA бўлган «GAZ 310200» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 29 июлдаги 145/1-сонли хатига асосан; Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги д/р 01 DA 096 бўлган «Борекс 2302» русумли эксковатор; д/р 01 DA 094 бўлган «4014М» русумли юккачи; д/р 01/116DCA бўлган «GA353K0503Б»; д/р 01/122DCA бўлган «СА333508» русумли автотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 19 августдаги 157-сонли хатига асосан; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ф.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти балансидаги д/р 01/158SBA бўлган «УАЗ-315148-095»; д/р 01/159SBA бўлган «УАЗ-315148-095»; д/р 01/160SBA бўлган «УАЗ-315148-095» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**Гувоҳнома № 005357**

<p>“Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари жамоаси таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуджон Тоировга турмуш ўртоғи <b>ГУЛЧЕХРА</b> аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Равашановга отаси <b>Поён РАВШАНОВ</b>нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши халқ депутатлари Хонқа туман кенгаши депутати <b>Отабек ИБРАГИМОВ</b>нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.</p>
--	---	---

## РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР

# «NAVRUZ INTERNATIONAL CORP»



масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни мамлакатимиз  
мустақиллигининг  
29 йиллиги билан  
муборакбод этади!



**Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин!**



## «ФАЛЛА-АЛТЕГ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни она Ватанимиз  
истиқлолининг  
29 йиллиги билан табриклайди!  
Барча юртдошларимизга  
бахт ва омад тилайди.



**Байрам шукуҳи, янгидан-янги орзулар  
сиз, азизларни асло тарк этмасин!**

Маҳсулотлар сертифициланган.

## ЗАВОД «КРАНТАС»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

## OZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV Hayotxon ORTIQBOYEVA

Guliston ANNAQILICHEVA Toshtemir XUDOYQULOV

Muslihidin MUHIDDINOV

Qabulxona — (71)233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-65  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni  
chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 851. 1934 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni —  
Topshirilgan vaqti — 21:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Nurullo OSTONOV  
Sahifalovchi-dasturchi:  
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga Utlsh uchun  
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5 6